



**АТ “Алоқабанк”  
фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

М.Солиев

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида (ЎРҚ-370-сон 06.05.2014)
2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида (ЎРҚ-582-сон 11.11.2019)
3. Банк сири тўғрисида (530-II-сон 30.08.2003)
4. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (ЎРҚ-580-сон 05.11.2019)
5. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида (ЎРҚ-578-сон 01.11.2019)
6. Давлат харидлари тўғрисида ЎРҚ-684-сон (22.04.2021)
7. 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида

**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш тўғрисида (ЎРҚ-370-сон 06.05.2014)**

**3-модда. Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий ҳолати**

Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти (бундан буён матнда жамият деб юритилади) деб эътироф этилади.

**57-модда. Жамиятни бошқариш**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

## АТ “Алоқабанк” бошқарув органлари ваколатлари

### Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш; жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ва бошқ;

### Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса;

### Жамиятнинг ижроия органи

- Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставда белгиланадиган директор ёки жамият бошқаруви томонидан
- амалга оширилади;
- кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади;
- акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;
- жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида  
(ЎРҚ-582-сон 11.11.2019)

## **5-модда. Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадлари**

- нархларнинг;
- банк тизимининг;
- тўлов тизимлари ишлашининг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича фаолияти нархларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

## 11-модда. Марказий банкнинг ваколатлари

- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини белгилайди;
- банк томонидан миллий ва чет эл валютасида мижозларнинг ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартибини белгилайди; банклар томонидан қимматбаҳо металллар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди;
- ўзи белгилайдиган тартибда ва шартларда банкларга қисқа муддатли кредитлар, шунингдек ликвидликни тезкор суръатда қўллаб-қувватлаш учун кредитлар беради;
- банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини лицензиялашда ҳамда банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини (бундан буён матнда кредит ташкилотлари деб юритилади) ва банклар гуруҳларини тартибга солиш ва назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланади;
- кредит ташкилотларидаги қоидабузарликларни аниқлаш юзасидан назорат тадбирларини амалга оширади, шу жумладан масофадан туриб ҳам амалга оширади;
- банклар учун ҳисобварақлар очади;

## Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (ЎРҚ-580-сон 05.11.2019)

- **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Банк фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

- **5-модда. Банк операциялари**

- пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
- чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
- жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
- электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
- банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.



## 7-модда. Банклар учун тақиқланган ёки чекланган фаолият

- Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

### **Юқоридаги кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:**

- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;
- ўз активларини сотишга;
- чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;
- суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;
- банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.



## 15-модда. Банкни ташкил этиш

- Банклар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.
- Банклар Марказий банкда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомини олади.
- Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) асосида амалга оширади.
- Лицензия унинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.
- Лицензияни ёки унга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади.
- Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай фаолият натижасида олинган даромад Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилади.
- Банкларни лицензиялаш тартиб-таомили қуйидаги икки босқичдан иборат:
- Марказий банк томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш;
- бир вақтнинг ўзида лицензия берган ҳолда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш.

## 65-модда. Банк хизматларини кўрсатиш

- Банк хизматларининг истеъмолчилари банкни ва банк хизматларини танлашда эркиндир. Банклар истеъмолчининг талабига биноан унга банк хизматларини кўрсатиш шартлари билан танишиш имкониятини тақдим этиши **шарт**.
- Банк шахсни банкнинг хизматидан ёки маҳсулотидан фойдаланиш шarti сифатида банкнинг ёки ўзга учинчи шахснинг бошқа банк хизматидан ёки маҳсулотидан фойдаланишга мажбур қилмаслиги **керак**.

## Банк сири тўғрисида (530-II-сон 30.08.2003)

### 3-модда. Банк сири

**Банк сири банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлардан иборатдир:**

- ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;
- банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;
- мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;
- мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;
- банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

#### 4-модда. Учинчи шахслар

- Банк
- миждози (вакили)
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари бошқа барча шахслар **учинчи** шахслар ҳисобланади.

Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида  
(ЎРҚ-578-сон 01.11.2019)

### **13-модда. Тўлов хизматларини етказиб берувчилар**

- Тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидагилардан иборат:
- Марказий банк;
- банклар;
- тўлов ташкилотлари;
- тўлов агентлари;
- тўлов субагентлари.

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини  
ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида  
ПФ-5992-сон 12.05.2020

- 4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

халқаро молия институтлари кўмагида «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, **АТ «Алоқабанк»**, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Туронбанк» АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотишни назарда тутиш;

## Давлат харидлари тўғрисида ЎРҚ-684-сон (22.04.2021)

19-модда. Давлат буюртмачилари

1) бюджет буюртмачилари:

- давлат органлари ва муассасалари;
- бюджет ташкилотлари;
- харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар;
- давлат мақсадли жамғармалари;
- бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармалар;

**2) корпоратив буюртмачилар:**

- давлат корхоналари;
- устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;
- устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;
- устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар.

30-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари

**Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:**

- электрон дўкон;
- бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;
- энг яхши таклифларни танлаш;
- тендер;
- тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.